

Agroiqtisodiyot

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

МУНДАРИЖА

3. **Қ.ЧОРИЕВ, Н.АСКАРОВ.** Пиллачиликда хўжалик юритиш субъектлари муносабатлари
7. **Н.ХУШМАТОВ.** Тенденция развития отрасли хлопководство в Узбекистане
10. **Б.СУЛТАНОВ, У.НАЗАРКУЛОВ, А.МУХТОРОВ, С.ИСКАНДАРОВ.** Потенциал тепличных технологий в условиях изменения климата в Узбекистане
15. **А.ЧЕРТОВИЦКИЙ, Ш.НАРБАЕВ.** Потенциал тепличных технологий в условиях изменения климата в Узбекистане.
20. **О.МУРТАЗОВЕВ, Д.РАХМОНОВ, Ғ.ИБРАГИМОВ.** Кластер тизимининг қишлоқ хўжалиги самардорлигига таъсири.
24. **Ғ.ДЎСТМУРОТОВ.** Давлат-хусусий шериклик механизмларидан кластер лойиҳаларида фойдаланиш
28. **Х.УРДУШЕВ, С.ЭШАНҚУЛОВ.** Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда кластерли ёндашув самардорлиги
31. **Н.ХОЛМАТОВ.** Саноатлашув жараёнида агро-саноат кластерлари институционал ривожланишининг тенденциялари
37. **А.АБДУЛЛОЕВ, З.ҚАЙИМОВА.** Қишлоқ хўжалик тармоқларида кластерларни ташкил этиш – иқтисодий ўсишнинг инновацион йўли
41. **Х.ХУРАМОВА.** Аҳоли эҳтиёжларини қондиришда агрокластерларнинг ўрни ва вазифалари
44. **Т.АХМЕДОВ.** Условия и факторы, способствующие внедрению цифровых технологий в сельском хозяйстве
48. **Д.АКАБИРОВА.** Зарубежный опыт применения инновационных технологий «умного» сельского хозяйства.
51. **К.ШАРИПОВ, У.ЗАЙНУТДИНОВА.** Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг концептуал асослари
54. **С.ХАМРАЕВА, З.ҲАЙДАРОВ.** Озиқ-овқат хавфсизлиги: рақамлар, муаммолар, натижалар
57. **А.МУХТОРОВ.** Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи инновацион технологияларни мақбул моделларини ишлаб чиқишни ривожлантириш йўллари
62. **Х.МАХСАДОВ, С.ГАПШАРОВ, С.МАХСАДОВ, Ж.УРОЛОВ.** Қишлоқ хўжалик экинларини мульчалаб суғоришнинг тупроқ ҳарорати ва суткалик сув истеъмолига таъсири
64. **Ш.МУРАТОВ, Ш.ҲАСАНОВ.** Қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли фаровонлигининг ўсишида ноқишлоқ хўжалик фаолиятлари даврамадларининг таъсири
66. **Х.ПАРДАЕВ, Ш.ҲАСАНОВ.** Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжири субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг назарий асослари
68. **Р.ҚАЛАНДАРОВ.** Қорамолларни озуклантиришни ташкил этишнинг иқтисодий аҳамияти
74. **Г.САМИЕВА.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Германия ва Исроил тажрибалари
76. **Г.ТАЖЕНОВА.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг назарий асослари
78. **Ш.НИШОНОВ.** Мева-сабзавот экспортини қўллаб-қувватлашда хориж тажрибаси
80. **М.АЧИЛОВ, А.ҒАЙЗИЕВ.** Мева-резавор экинлари ҳосилдорлигини математик моделлаштириш асосида таҳлил қилиш усуллари
83. **А.ХАЙРИДДИНОВ.** Иқтисодий инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг назарий асослари
87. **Д.НОРБЕКОВ, Ш.ҲИКМАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш
90. **У.НАЗАРОВА.** Инновацион тadbirkorликни кластерлашда қулай иқтисодий-ҳуқуқий шароитларни яратиш масалалари
93. **Ў.РАЖАБОВ.** Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожланишида табиий омилларнинг аҳамияти
109. **Ф.СҮЮНОВА.** Развитие производственной операции в странах Центральной Азии
114. **Д.БАБАБЕКОВА, М.ИШМУХАММЕДОВА.** Рақобат шароитида давлат бюджет сиёсати орқали аҳоли иқтисодий фаоллигини ошириш йўллари
117. **Қ.УТЕГЕНОВ.** Лизинг – давлат-хусусий шериклик шакли
120. **Ҳ.ТАШБАЕВА.** Ер ҳисобини юритишда хориж тажрибаси
129. **А.БОЛТАЕВ.** Таъминот ташкилотларида реализация жараёни ва молиявий натижалар шаклланиши ҳисобининг хусусиятлари
133. **О.ҚАХҲОРОВ, А.НОРОВ, Б.АДИЗОВ.** Олий таълим муассасаларида инновацион маркетинг технологиялари орқали рақобатбардошликни бошқариш йўллари
136. **Ф.НАЗАРОВА.** Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш: хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН КЛАСТЕР ЛОЙИХАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

Ғанибай ДЎСТМУРОТОВ,

и.ф.н., доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация: Мақолада Агросаноат кластерларини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг роли ёритилган. Давлат-хусусий шериклик агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг энг истиқболли воситаларидан бири сифатида кўриб чиқилган.

Аннотация: В статье раскрывается роль ГЧП-проектов в развитии агропромышленных кластеров. Государственно-частное партнерство рассматривается как один из наиболее перспективных инструментов развития агропромышленных кластеров.

Abstract: The article studies the use of PPPs in the agriculture, the role of PPP projects in the development of regional clusters. PPP is regarded as one of the most prospective tools for development of the regional infrastructure.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) дунёда географик жиҳатдан ҳам, қўллаш тармоқлари бўйича ҳам кенг тарқалмоқда. Айниқса, Европа мамлакатларида мазкур соҳада салмоқли иш тажрибаси тўпланган: энергетика, чиқиндиларни утилизация қилиш, экология, телекоммуникация ва уй-жой коммунал хўжалиги кўпинча турли хил схемалардан фойдаланиб тузилган шериклик муносабатларининг предметига айланмоқда. Мамлакатимизда ДХШ ижтимоий ва инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида 2017 йилдан кўриб чиқила бошланди. Айниқса, бу масала минтақавий ва халқаро миқёсда тарғиб этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари саммитидаги нутқида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтиришни таъминлаш учун экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибларини соддалаштириш, давлат-хусусий шериклик асосида агросаноат кластерларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида “яшил коридорлар” тармоғини кенгайтириш, ШХТга аъзо давлатларнинг транспорт-транзит имкониятларидан са-

марали фойдаланиш, юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замонавий медицина соҳаларида инновацион дастурларни ҳамкорликда амалга ошириш масалаларига асосий эътиборни қаратди.

Агросаноат бизнесида ДХШ тажрибаси жуда кам ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ва кейинги (саноат) қайта ишлаш, сақлашга тегишли лойиҳаларда мазкур механизмдан айрим ҳолларда фойдаланилмоқда. Мутахассислар фикрича, аграр сиёсатда агросаноат бизнесини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири кластер структуралари негизида агросаноат интеграцияси ва кооперациясидир. Давлат органлари агросаноат тузилмалари иштирокчиларининг ўзаро алоқалари шакллари самарадорлигини таъминлаб ва кооперациянинг асоси бўла олади. Шу нуқтаи назардан агросаноат бизнесида давлат-хусусий шериклик истиқболлари шубҳасиз юқори.

Мамлакатимизда аграр соҳага ихтисослашган кластерлар дастлаб пахтачиликда ташкил этилган, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978 сонли “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «ВСТ Cluster» хориж корхонаси ташкил этилган. Агротрастер тузилгандан кейин ишловчилар сони кескин ортиб, 3015 нафарни ташкил эт-

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, лойиҳалар, инфраструктура, агросаноат кластерлари, рақамли иқтисодиёт, агросаноат интеграцияси, кооперация, пахта-тўқимачилик кластери

ган. Шунингдек, меҳнат ҳақи кўрсаткичлари ҳам кескин ортган. МЧЖга сув йўллари ва қишлоқнинг яхлитлигини сақлаган ҳолатда аҳоли билан келишиб 5 та ҳудуддаги майдонлар 80 та участкаларга бўлинган, бу участкаларнинг ҳудуди 90–120 гектаргача белги-ланган ҳолда тақсимланган. 80 та участкага ернинг ҳажмига қараб, ҳозирги кунда 30–45 тадан аъзолар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларга иш ҳақи ишбай усулида ҳисобланиб, ўртача бир ойлик маоши 1,6 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу маҳсулот етиштирувчилар манфаатдорлигининг кескин ортганидан далолат беради (1-жадвал).

Бухоро вилоятидаги "ВСТ Cluster" агрокластери ва фермер хўжаликларининг кластерга кирмасдан олдинги фаолияти кўрсаткичларини таққослаш (2018 й.)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ҳозирги ҳолат (Агро кластер)	Олдинги ҳолат (Фермерлик фаолияти)	Фарк
1	Жами ер майдони	гектар	8 000	8 000	-
2	Жами ишловчилар сони	нафар	3 015	848	+2 167
3	Ўртача 1 ойлик иш ҳақи фонди	млн.сўм	4 513	433,3	+4 080
4	1 ишловчига ўртача 1 ойлик иш ҳақи (мукофотдан ташқари)	минг.сўм	1 067	363	+704
5	Бир йиллик иш ҳақи шундан:	млн.сўм	54 159	5 200	+48 959
	МЧЖ ва фермер хўжалиги ишчи ходимлари учун иш ҳақи	млн.сўм	38 599	3 692	+34 907
	Пахта теримида жалб қилинган мавсумий ишчилар иш ҳақи	млн.сўм	15 560	1 508	+14 052

Кластер ҳудуднинг ишлаб чиқариш элементлари, инфраструктураси ва ижтимоий соҳаси интеграцияси шакли ҳисобланиб, иқтисодийнинг турли секторлари ўртасидаги тўғридан тўғри ва билвосита алоқаларни уларнинг фаолият кўрсатиш жараёнида максимал ҳисобга олишга, ўзаро ривожлантиришнинг синергетик ва мультипликатив самарасини юзага чиқариш ва фойдаланишга имкон беради. Бу маълум даражада ҳудудий сиёсат билан аниқланади. Муваффақиятли ҳудудий сиёсат маҳаллий ҳокимиятнинг мавжуд рақобат афзалликларидан фойдаланиш ва тадбиркорлар, маҳаллий ҳокимият органлари ва бизнес ўртасида ўзаро алоқани кучайтириб ҳудудий бизнесни “кластерлаш” маҳоратини билдиради.

Пахтачиликни ривожлантириш бўйича шакллантирилган кластерни схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

Шундай қилиб, мамлакатимиз ҳудудлари кластер ташаббусларини ва муваффақиятли ДХШ амалиётини амалга ошириш учун самарали маъмурий структура мавжуд бўлиши, хусусий сектор ва инновацион муҳитни ривожлантириш зарур. Ушбу муаммони ҳал этиш ДХШ тизимини ривожлантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳудудлар даражасида мазкур механизмни такомиллаштириш бўйича таклифларни концептуал асослаш йўли билан амалга оширилади.

Кўришиб турибдики, агросаноат кластерини ривожлантириш тўғрисида гап борар экан, ҳар бир ҳудуд учун энг кўп талаб этиладиган пахтачилик, ғаллачилик, шолчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик ҳамда чорвачилик кластерларини шакллантириш долзарб ҳисобланади. Қолаверса, мамлакатимиз Президенти томонидан давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ҳамда замонавий иссиқхона хўжаликларида кластерларни яратиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Аммо, кластер структураларини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган объектив омиллар ҳам мавжуд. Биринчи навбатда бу тегишли инфраструктуранинг мавжуд эмаслиги. Ҳудудий ҳокимиятлар томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим инфраструктура объектларига транспорт-логистик узеллар, кластер фаолият кўрсатиши учун зарур инфраструктуранинг махсус объектлари, энергетик қувватлар киради. Масалан, агросаноат кластерлари учун омборхона мажмуаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотига дастлабки ишлов берувчи корхоналарни яратиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бундай объектлар анча кўп вақт ва молиявий харажатларни талаб этади, оқибатда эса, кичик ва ўрта агросаноат бизнеси компаниялари учун қийин амалга ошириладиган бўлиши мумкин. Транспорт муаммоларини етарлича баҳоламаслик мумкин эмас,



1-расм. Пахтачиликни ривожлантириш бўйича кластер

чунки ишлаб чиқарувчиларнинг республика аҳамиятидаги трассалардан, омборхона қувватларидан, қайта ишлаш ва сақлаш корхоналаридан ҳамда истеъмолчилардан узоқлиги маҳсулот таннархини кўпайтириб ва унинг рақобатбардошлигини камайтириб пул ва меҳнат харажатларини анчагина кўпайтиради.

Агросаноат кластерларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммо қуйидагилар ҳисобланади: (1) кичик ва ўрта компанияларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти чекланганлиги; (2) малакали кадрларнинг мавжуд эмаслиги ёки ходимларнинг малакасини ошириш учун имкониятнинг йўқлиги; (3) тадбиркорларнинг илмий тадқиқотлар ўтказиш учун имконияти чекланганлиги (масалан, селекция ишлари, янги ўғитлар ишлаб чиқиш, ўсимликчилик ва чорвачиликда меҳнат унумдорлигини оширишнинг усулларини излаш). Бундай ишлар ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказилиши мумкин, унинг натижалари эса кластер иштирокчилари учун ишлаб чиқариш унумдорлиги суръатларини, иш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини кучайтириш учун очиқ бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ҳудудий тадбиркорлик кўпчилик ҳолларда кластерларни яратиш бўйича кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишга қодир эмас. Ушбу ҳолатда давлат-хусусий шериклик кластер структураларини яратиш соҳасида самарали ечим ҳисобланади.

ДХШнинг кластер структураларини яра-

тиш босқичларига мувофиқ кластерларни идентификациялаш, уларнинг ҳудуд иқтисодиётидаги истиқболлини баҳолаш учун республика ва ҳудудий ҳокимият билан ишларни бажаришга тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлари тизимидан фойдаланиш мумкин. Инфраструктура объектларини яратиш босқичида ҳам ДХШ тўғрисидаги битимларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бундай лойиҳаларнинг бажарилишини республика ва маҳаллий ҳокимият томонидан назорат қилиш объектларни муҳандислик-техник таъминот тармоқларига улашда харажатларни пасайтиришга, келишув таомилларининг шаффофлигини оширишга ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини оптималлаштиришга имкон беради. Кластернинг асосий корхонаси (кластерларни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси кўрсатиб турганидек) қўшма корхона (акциянерлаштириб ёки акционерлаштирмасдан) бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, агросаноат мажмуасини ривожлантириш воситаси сифатида ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш нафақат тизимли институционал ёндошувни, балки давлат ва тадбиркорлик ҳамжамияти ўртасида янги ўзаро алоқаларни ва амалга оширишнинг самарали шаклларини излашни талаб этадиган ташкилий жиҳатдан мураккаб таомилдир, чунки иқтисодиётнинг барча соҳалари учун, хусусан АСМ учун бир хил тайёр алгоритмлар мавжуд эмас. Ҳар бир ҳолатда конкрет ҳудуд ва қуйи тармоқ учун мос моделни қуриш талаб этилади.

Агросаноат бизнесини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичида кўпчилик муваффақиятли кластерлар йирик ишлаб чиқариш асосида шакллантирилди. Бунда кластерларга нисбатан давлат сиёсати ҳали мавжуд эмас эди, бозор ва тадбиркорлик ташаббуслари асосий рол ўйнаган. Вақт ўтиши билан қанчалик кўп муваффақиятли кластер тузилмалари пайдо бўлган сайин, кластерли тузилмаларни яратишга биргаликдаги ёндошув йўли билан ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш, энг муваффақиятли жаҳон лойиҳалари бенчмаркинги ёки кластерни табиий шакллантириш учун тегишли муҳит яратиш тўғрисидаги масала шунчалик долзарб бўлиб қолади. Шубҳасиз, сунъий кластерни яратиш – бу капитал сиғимли таомилдир, яъни ҳудудий бюджетнинг кучи етмаслиги мумкин ва республика даражасида аралашини талаб этади.

Бошқа томондан давлат ёки ҳудуд иқтисодиёти бозорнинг ўзи қачон кластер пайдо бўлиши учун зарур шароитларни шакллантиришини ўн йиллаб кута олмайди. Ушбу жараёнга катализатор керак ва у хусусий бизнес ва давлат ўзаро алоқасининг самарали механизми – давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бўлиши мумкин ва лозим. Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оши-

риш мақсадида давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий бирлашмадан фойдаланиб, ҳудудлар олдида қишлоқни, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда бутун минтақани истиқболда ривожлантиришга кенг йўл очилади. Бунда кластерли бирлашмаларнинг самарадорлиги ДХШни амалга ошириш шакллари ва механизмларига боғлиқ.

Шундай қилиб, республика ва маҳаллий ҳокимият органлари учун молиявий маблағлар тақчиллиги шароитида давлат ва бизнес мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва ҳудудларни мувозанатли ривожлантириш учун бутун жавобгарлик юкини ўз зиммасига ололмайди. Давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи таъсир кўрсатишни таъминлаб, уларни товар ва хизматларни самарали ишлаб чиқариш, ҳудудлар ва корхоналарни инновацион ривожлантиришни рағбатлантиради. Шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятида ижтимоий аҳамиятли товар ва хизматлар бозорида тенг ҳуқуқли шерик бўлиш ва хусусий бизнес билан ҳамкорликда агросаноат бизнеси соҳасида кластер структураларини ривожлантириш имкониятига эга. Шундай қилиб, АСМда ДХШни ривожлантириш чоратадбирларини ишлаб чиқишга замин яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9–10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ давлат раҳбарлари саммитидаги нутқи. <http://prezident.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4549-сон қарори.
3. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Тошкент “Zamin Nashr”, 2018. – 168 б.
4. Умурзаков Ў.П., Дусмуратов Ғ.Д. Агросаноат кластерларини ривожлантириш давлат-хусусий шериклик усулини самарали қўллашга боғлиқ // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 3 март. №45 (7547).